

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДАГИ ЎРНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8162202>

Тожалиев Абдукосим Абдулхакимович

*Фарғона Давлат университети, фалсафа фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD) катта ўқитувчи,*

Email:atojaliyev@inbox.ru

Телефон:+998916543401

Аннотация

Мақолада олий таълим тизимини янада ривожлантиришининг долзарб масалалари ривожланишининг янги босқичи нуқтаи назаридан муҳокама қилинади. Муаллиф, мамлакатнинг инновацион ривожланиши нуқтаи назаридан олий таълимни ислоҳ қилиш ва жамият барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим омили сифатида тадқиқ этган. Ушбу мақолада замонавий кадрлар тайёрлаш тизимида инновацион усулларни жорий қилиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

Муаллиф янги шароитда жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим омил сифатида олий таълимнинг ривожланиши муаммоларини ўрганиб чиқди ва эътиборини мамлакатда ислоҳотлар жараёнлари билан олий таълим тизимини тақомиллаштиришининг замонавий вазифаларини бирлаштиришга қаратган.

Калит сўзлар

олий таълим, ислоҳот, университет, ёшлиар, инновация, бозор иқтисодиёти, жамият, барқарор ривожланиши.

Аннотация

В статье рассматриваются актуальные вопросы дальнейшего развития системы высшего образования в условиях нового этапа развития. Автор исследует проблемы реформирования высшего образования в контексте инновационного развития страны и как важного фактора обеспечения устойчивого развития общества. В работе рассмотрены связь данного вопроса с внедрением инновационных методов в систему подготовки современных кадров.

Автор исследовал проблемы развития высшей школы в новых условиях как важного фактора в устойчивом развитии общества. Сделана попытка связать современные задачи совершенствования системы высшей школы с реформационным процессами в стране.

Ключевые слова

высшее образование, реформа, университет, молодежь, инновация, рыночная экономика, общество, устойчивое развитие.

The summary

In article pressing questions of the further development of system of higher education in the conditions of a new stage of development are considered. The author investigates problems of reforming of higher education in a context of innovative development of the country and as important factor of maintenance of a sustainable development of a society. In work are considered communication of this point in question with introduction of innovative methods in system of preparation of modern shots.

The author investigated problems of development of the higher school in new conditions as important factor in a society sustainable development. Attempt to connect modern problems of perfection of system of the higher school with реформационным processes in the country is made.

Keywords

higher education, reform, university, youth, an innovation, market economy, a society, a sustainable development.

Инновацион тараққиёт зарурияти ҳақидаги дастлабки фалсафий фикрлар тарихий манбалар, мутафаккирларнинг асарларида янгиликка, такомиллашибга интилиш, жамият ривожи учун мунтазам ҳаракат қилиш мазмунида учрайди. Инновацион ривожланиш инсон фаолиятининг ажралмас қисмини ташкил этади ва мунтазам суръатда билимли, жамият ривожланишининг объектив ва субъектив жараёнларини чуқур таҳлил қила оладиган шахслар фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам жамият ривожланиши маҳсус билимларга эга бўлган кишилар фаолияти билан боғланган, яъни малакали мутахассислар тайёрлаш, уларни маҳсус дастурлар асосида ўқитиши инсоният тарихида муҳим амалий аҳамият касб этган. Жамият ривожланиши жараёнининг турли жабҳаларидаги мураккаблашув, ижтимоий-иктисодий билимларнинг кенгайиб бориши, инсон фаолиятида, айниқса, илм-фан томонидан эришилган янгиликларнинг амалиётга киритилиши инновацияларнинг амалий аҳамиятини оширган. Ушбу жараён ўз навбатида инновацион фаолиятнинг объектив ва субъектив омилларга боғлиқлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва пировард натижада фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш заруриятини вужудга келтирди. Муаммонинг ечимига бундай ёндашув ўз навбатида мавзунинг назарий методологик асосларини чуқур таҳлил этишни ҳамда

инновациялар ва кадрлар тайёрлаш дастурининг ўзаро боғлиқлигини янги ривожланиши босқичи талаблари асосида тадқиқ этишни муҳим илмий вазифа сифатида илгари суради. Шунингдек, ушбу мавзунинг доимий аҳамияти, унинг ҳозирги давр муаммолари ечимини топишдаги ўрни ва ислоҳотлар мажмуудаги долзарбилигига эътибор беришни ҳам талаб қиласди. Жамиятнинг янги тараққиёт босқичига кириши, инновацион ривожланишининг назарий жиҳатлари, амалиётга тадбиқ этилиш жараёнидаги ўрнини таҳлил этиш муҳим вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони мамлакатнинг инновацион тараққиётини янги босқичга олиб чиқди¹⁰⁸.

Жамиятнинг инновацион ривожланиши ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими заруриятини мутасадди мутахассислар томонидан мустақил англаш ва рақобатбардош кадрлар замонавий авлодининг ислоҳотлардаги ўрни негизида унинг янги даврдаги фалсафий мазмунини илмий тадқиқотлар натижаси асосида чуқурлаштириш лозим. Қайд этиш лозимки, мамлакатимиз ўзининг янги ривожланиши босқичига кирди ва бу узоқ давом этадиган ижтимоий-иктисодий тараққиётни қўзда тутадиган жараёндир. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бошқарув маданиятининг юксалиши ва жамоатчилик онгининг муттасил ошганлиги билан характерланади. Амалга оширилаётган инновациялар, стратегик вазифаларнинг жамиятдаги ижроси натижасида ҳозирги даврда вужудга келаётган ижтимоий қийинчиликларни бартараф этиш имкониятига эга бўламиз. Янги тараққиёт даврида мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши билан барқарорликка эришилди ва бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаш лозимлиги асосий мақсад сифатида белгиланди. Шу билан биргаликда жамият тараққиёти негизида пайдо бўлган янги қийинчиликларни бартараф этиш зарурияти вужудга келди. Бу зарурият, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг глобал ривожланиш билан узвий боғланганлиги ва барча жабхаларда глобал характерга эга бўлган рақобатнинг кучайганлиги билан характерланади ҳамда ушбу жараён бевосита инновацияларни қўллаб-қувватлашга, инсон потенциали юксалишига ҳам дахлдордир. Шунингдек, мамлакатнинг

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

инновацион ривожланиш жараёни, давлатимизнинг геополитик мусобақалардаги иштироки табиий ресурсларнинг камайиб бораётганлиги, энергетика, сув ресурсларининг танқислиги, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш зарурияти билан боғлиқдир. Ўзбекистон ўз тараққиётида миллий хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, минтақада юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган марказга айланиш учун ҳаракат қилади, ушбу жараён ўз навбатида мунтазам инновацион ривожланиш, миллий кадрлар тайёрлаш тизимини янада юксалтириш вазифасини вужудга келтиради. Жамият ривожига маълум даражада қийинчилик туғдириши мумкин бўлган муаммо шуки, янги технологик ўзгаришларнинг муттасил ортиб боришидир. Бу жараён келажакда инновацияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрнини оширади ва ўз навбатида тараққиётнинг эскирган, ҳозиргача сақланиб қолган усулларидан воз кечиш заруриятини юзага келтиради. Фалсафий тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, ривожланган давлатлар яқин ўн йилликда янги технологик тараққиёт босқичига киради ва бу жараёнда инсон омили муҳим роль ўйнайди. Мамлакатимизнинг янги ривожланиш даврида вужудга келтирилган юқори технологик ишлаб чиқариш тизимлари, узлуксиз таълим тизимининг замонавий асосда ташкил этилганлиги ва унинг мунтазам такомиллаштирилаётганлиги инновацияларга асосланган сўнгги технологияларнинг жамиятнинг барча жабҳаларига мунтазам кириб боришини таъминлайди. Аммо жадал ривожланиш концепцияси мамлакатимизнинг жаҳондаги рақобат муҳитида фаол иштирок этишини ва рақобатбардош миллий инновацион тизимни шакллантириш вазифасини илгари суради. Ушбу ривожланиш жараёнида инсон капитали ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Ҳозирги даврдаги инновацион ижтимоий-иқтисодий қўрсаткичлар ҳолати бевосита салоҳиятли, юксак маънавият ва ахлоқий маданиятга эга бўлган, малакали кадрлар фаолиятига боғлиқдир. Шунингдек, инновацион ривожланиш давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини бирлаштирувчи омил сифатида ҳам намоён бўлади. Ушбу жараён ўз навбатида шахс инновацион фаолиятида инсон факторининг кучайишига олиб келади, унинг ижтимоий мавқеи ошиб боришида ва аҳоли турмуш шароитини юксалишида муҳим омил сифатида гавдаланади. Инновацион ривожланишга эришиш ва миллий таълим тизимининг мунтазам такомиллашуви аҳолининг, айниқса, ёшларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Бундай жараён ўз навбатида ёшлар, бўлажак

мутахассислардан инновацион фаолиятни таъминловчи омилларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Янги тараққиёт босқичида олийгоҳларда таълим ва илмий ишларни интеграцион асосда ташкиллаштириш ва ривожлантиришга эътибор берилди. Университетлар хузурида илмий тадқиқот марказлари ташкил этилган. Олийгоҳлар олий таълим соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб борадиган муҳим инновацион марказ сифатида эътироф этилган. Бу тизимнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборатdir:

биринчидан, олий таълим муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш билан биргаликда, жамият эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда кенг камровли илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади;

иккинчидан, янги ишлаб чиқилган технологиялар, усуллар ижтимоий-иктисодий амалиётга жорий этилмоқда;

учинчидан, олий таълим муассасалари олимлари иштирокида фундаментал ва амалий йўналишдаги тадқиқотлар кенг масштабда амалга оширилмоқда;

тўртингчидан, олий таълим муассасалари малакали бакалавр ва магистрлар тайёрлашда етакчи ўрин эгаллайди ва ушбу жараёнга, амалиётдаги рақобат, глобаллашув талаблари асосида мунтазам суръатда инновацион ёндашувни талаб қилмоқда.

Олий таълим муассасалари хузурида бундай йўналишдаги тизимларнинг шакллантирилиши инновацияларни мунтазам амалиётга жорий этиш, юқори технологик жабхалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш, илм-фан йўналишларини ривожланишини таъминлашга қаратилгандир. Бу жараён миллий университетлар тизими ва таълим министрлари жаҳондаги етакчи мамлакатлар қаторига олиб чиқишга хизмат қилиши лозим. Шу билан биргаликда қайд этиш керакки, мамлакатимиз олий таълим тизими, таълим муассасаларини ривожлантиришда вилоятлар кесимиға ҳам эътибор бериш керак. Вилоятларда жойлашган таълим муассасалари, университетлар таълим соҳасида инновацияларни жорий этишга фаол киришишлари зарур. Таъкидлаш лозимки, инновацияларни олий таълим муассасаларига киритиш, олий таълимнинг янги моделини амалиётга жорий этиш имкониятини шакллантиради ва унинг ташкилий жиҳатдан ривожига асос бўлади.

Илм-фан ва техника ютуқларини амалиётда кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш янги даврда мамлакатимиз

тараққиётиниңг мұхим шарти ҳисобланади. Мамлакатимизнинг жағондаги етакчи давлатлар қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда фаолиятни амалга ошириш заруриятини илгари суради. Шу билан бирга, ўтказилган фалсафий таҳлиллар шуни тасдиқлайдики, замонавий ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишларда камчиликларга йўл қўйилган.

Ўзбекистоннинг давлат сиёсати таълим соҳасида инновацион мазмундаги тизимни шакллантиришга, юксалтиришга йўналтирилган бўлиб, янги ривожланиш босқичига мос бўлган фуқаролар ва рақобатбардош кадрларни тарбиялаш ҳамда тайёрлашга қаратилгандир. Ҳозирги даврда жағондаги ривожланган олий таълим тизими, мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланиши юқори технологияларга, илмий ишланмаларга, инновацион фикрларга асосланган. Ушбу мақсадларнинг амалга ошишида илм-фан, юқори технологиялар соҳасидаги малакали кадрлар таркиби мұхим роль ўйнайди¹⁰⁹. Ўзбекистон таълим тизими олдида турган асосий вазифалардан бири фуқаролик жамияти талабларига мос бўлган такомиллашган таълим моделини яратишидир. Таъкидлаш лозимки, шахс жамиятдаги обрўсига, ижтимоий мавқеига олган билими, шахсий қобилияти, касбига хос бўлган кўникмаларга эгалиги туфайли эришади. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг таълим олиши, келажакда зарур мутахассис бўлиб этишиши ва мавжуд дунёвий билимларини амалиётда намоён қилишлари учун имкониятларни яратиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади. Давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан яна бири ахборотлашган жамият, инновацион тараққиёт талабларига мос суръатда шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши, узлуксиз таълим билан шуғулланишига доимий эътиборда бўлишидир¹¹⁰. Ўтказилаётган демократик ислоҳотлар натижасида ижтимоий соҳада туб ўзгаришлар рўй берди, инновацион тизимга асосланган таълим тизими шакллантирилмоқда, малакали кадрлар тайёрлашнинг янги босқичига

¹⁰⁹Гришин В.И. Тенденции науки и образования источник экономического роста. XXX Международные Плехановские чтения. Материалы Международной научно практической конференции. Москва, ФГБОУ ВО им. Г.В.Плеханова, 2017, с.3.

¹¹⁰Абдурахманов К.Х. Модернизация образовательной политики основное звено в подготовке профессиональных кадров. XXX Международные Плехановские чтения. Материалы Международной научно практической конференции. Москва, ФГБОУ ВО им. Г.В.Плеханова, 2017, с.6.

киришилди. Ушбу жараённинг назарий, амалий асосини мамлакат ахолисининг 100 фоизи саводли эканлилиги ташкил этади. Шунингдек, ҳозирги даврдаги таълим тизими ўзининг узлуксизлиги билан ажralиб туради. Мавжуд олий таълим тизими жамият тараққиёти учун зарур бўлган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш имкониятини беради ва мамлакатнинг дунё ҳамжамиятида ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига асос бўла олади.

Ижтимоий ривожланишнинг муҳим жиҳатларидан бири, унга мунтазам инновацион ёндашув талаб қилинади. Бу жараённинг таълимда ижобий хал этилиши бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашуви шароитида яна-да долзарб аҳамият касб этади. Бу жараёнда жамиятнинг замонавий дунёқараш, юксак иқтидорга эга, рақобат шароитида фаолият кўрсата оладиган, малакали кадрлар тайёрланишига ҳам ижтимоий талаб мунтазам ошиб бориши кузатилади. Бундай шароитда таълимнинг барча бўғинларида ижобий ислоҳотларни яна-да кучайтириш, жамиятнинг таълим билан боғлиқ бўлган соҳалари ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришга эътибор бериш зарур. Ушбу шароитда таълимни, бошқарувни такомиллаштириш, жамиятнинг янги ривожланиши шароитида замонавий ихтисосликлар, мутахассислик ва касбий йўналишларни ташкил этиш инсон омилига эътиборни кучайтиришни талаб қиласди. Юқори илмий салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш жамиятдаги жорий муаммолар ечимида муҳим роль ўйнайди.

Таълимдаги инновациялардан кутилаётган асосий мақсад бўлажак мутахассисларнинг ўзлигини ва ўзи яшаб турган дунёсини юқори даражада англайдиган, ўзини малакали мутахассис сифатида хис этадиган, жамият соҳаларини такомиллаштириш жараёнида иштирок этаётган кишилардан иборат янги кадрлар замонавий тушунчалар тизимини қайта ташкил қилиш имкониятини кўлга киритади. Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларини тамомлаётган, жамият тараққиётига илмий назар сола оладиган, малакали кадрлар корпуси тараққиётнинг янги даврига хос бўлган фикр юритишга қодир мутахассислар авлодига мансуб бўла олади.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатадики, олий таълим тизимида ўқитиши ташкил этиш жараёни, таълим бераётган профессор-ўқитувчилар томонидан фан мазмунини етказиш ва таълим олаётган талабалар ўзлаштириши ҳамда уларнинг билимини тўғри баҳолаш тизими кутилган натижаларни бермаяпти. Шунингдек, ўқув жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида таълим дастурлари

мазмуни ва уларни янгилаб бориши суръатлари ҳозирги даврда изчил ривожланаётган иқтисодиёт тармоқлари ва меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига жавоб бермайди. Профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида доимий ишламаганлиги, билими, педагогик қўникмаси ва маҳоратининг пастлиги, инновацион таълим технологияларидан фойдаланмаганлиги битирувчиларнинг буюртмачи (иш берувчи) талабига жавоб бермаслигига олиб келди. Таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулокот марказларига айланмаганлиги, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларнинг тизимили ўрганилмаганлиги соҳада илм-фан йўналишларининг ривожланишига тўсиқ бўлди.

Янги тараққиёт босқичида таълимдаги инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири турли мулк шаклларининг бевосита жорий этилишидир. Яъни таълим жараёнидаги ислоҳотлар давлат ташкилотлари билан биргаликда, хусусий мулк ва корпоратив мулк эгалари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Лекин шуни таъкидлаш керакки, таълим муассасаларининг асосий қисми давлатга тегишли бўлганлиги учун инновацияларнинг таълим муассасаларида жорий этилиши асосан давлат ташкилотларига тегишидир. Шу билан бирга, мамлакатнинг янги тараққиёт босқичида таълим тизимида хусусий секторнинг кенгайиб бораётганлиги, хусусий мулк соҳибларининг таълим муассасалари учун молиявий сарф-харажатларини амалга ошираётганлиги таълимга инновациялар киритилишини тезлаштирувчи омил ҳисобланади. Шу жумладан, жаҳондаги етакчи таълим муассасаларида жорий этилаётган инновацион таълим усулларининг мамлакатимизда янги ташкил этилган таълим даргоҳларига шиддат билан кириб келаётганлиги, таълим муассасалари моддий техника ҳолатининг такомиллашаётганлиги, хусусий таълимда фаолият олиб бораётган мутахassislarinинг жаҳондаги етакчи илмий марказларда қайта тайёргарликдан ўtkazilaётганлиги ижобий ҳолдир. Шу билан бирга, таълим муассасаларига хорижий мутахassislarinинг таклиф этилиши ва уларнинг педагогик фаолият олиб бориши маҳаллий мутахassislar, профессор-ўқитувчиларнинг ҳам тажриба орттиришлари учун маълум даражада ёрдам бермоқда.

Таъкидлаш лозимки, инновациялар чуқур ижтимоий фалсафий жиҳатдан мушоҳадани талаб қиласиган, ривожланиш жараёнида, муайян ўзгаришларга сабаб бўладиган муаммодир. Инновацияларнинг муҳим ижтимоий ўрнини англаш жараёни уларнинг вужудга келиши,

шаклланишини билиш, шунингдек инновацион фаолиятни бошқаришга таъсир қўрсатиш учун уларнинг моҳиятини тушуниш заруриятини илгари суради. Бундай ҳолат инновацияларнинг турли йўналишлари моҳияти, мақсадига, жамиятдаги зарурлигига бағишлиланган илмий тадқиқот ишларининг сони ортиб бораётганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Инновацияларнинг ижтимоий воқејлик сифатидаги фалсафий таҳлили, муаммога тизимли ёндашувни талаб қиласди, яъни инсоннинг ижтимоий борлифи, моддийлик ва маънавийлик, стратегик ва тарихий жараёнларининг боғликлиги нуктаи назаридан ёндашувни талаб қиласди.

Хулоса сифатида қуйидаги фикрларни билдирамиз: инновацион ривожланиши ва кадрлар тайёрлаш тизими бевосита чамбарчас боғлиқ бўлган жараёндир. Шунингдек, ушбу илмий муаммонинг методологик асосларини тадқиқ этиш ҳозирги даврдаги фалсафа фанининг долзарб муаммолари қаторига киради. Ушбу жараённи янги ривожланиши босқичидаги устувор вазифалар, жамиятда уларнинг ечимини топиш учун олиб борилаётган демократик ислоҳотлар мазмuni доирасида таҳлил этиш муҳим роль ўйнайди. Жамиятнинг ҳозирги даврдаги ривожи, таълимдаги ислоҳотларни чукурлаштириш вазифасини яна бир марта илгари сурмоқда. Жаҳонда содир бўлаётган глобал ўзгаришлар, бевосита мамлакатимизнинг ушбу жараёнларга муносабати масаласи малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни яна-да кучайтирди. Шунингдек, миллий кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллашуви халқаро тажрибадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди. Бу жараён ўз навбатида инновацияларнинг жамиятдаги барча соҳаларга тобора кучлироқ сингиб бориши ватанпарвар, юкори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини яна-да такомиллаштириш заруриятини вужудга келтирди. Шуни таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасаларида янги педагогик технологияларни жорий этиш ишларида ёш ўқитувчиларга услугбий ёрдам бериш долзарблик касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

2. Гришин В.И. Тенденции науки и образования источник экономического роста. XXX Международные Плехановские чтения. Материалы

Международной научно практической конференции. Москва, ФГБОУ ВО им.Г.В.Плеханова, 2017, с.3.

3. Абдурахманов К.Х. Модернизация образовательной политики основное звено в подготовке профессиональных кадров. XXX Международные Плехановские чтения. Материалы Международной научно практической конференции. Москва, ФГБОУ ВО им.Г.В.Плеханова, 2017, с.6.

4. Tojaliyev, A. A. (2021). Higher education system-a guarantee of sustainable development of society. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 1021-1025.

5. Tojaliyev, A. A. (2020, December). The Role Of Innovative Activities Of Highly Qualified Personnel In The Strategic Development Of The Regions. In *International scientific and current research conferences* (pp. 154-156).

6. Tojaliyev, A. A. (2019). The necessity of using innovations in new developing process higher education. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(4), 132-136.

7. Tojaliyev, A. A. Perfection of bachelor degree students training in the conditions of innovative development. *Published European Journal of Bisiness Social Sciences (EJBSS)*, 7, 133-141.

8. Tojaliyev, A., & Tojaliyeva, G. (2021). Innovative directions in the field of pedagogical education. *Теория и практика современной науки*, (5), 22-25.

9. Abdurakhmanov, K. K., Khakimov, N. K., Ruzieva, R. H., Makhmutkhodjaeva, I.S., & Tozhaliev, A. A. (2019). Higher education as a significant factor of Uzbekistan's sustainable development.

10. Алиқулова, М. М., & Тожалиев, А. А. (2019). Вояга етмаган болаларда салбий ҳулқнинг пайдо бўлиш хусусиятлари. *Современное образование (Узбекистан)*, (8 (81)), 37-42.